

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06.01.2018.Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ БАХТИЯР ЭРГАШЕВИЧ

**ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ
МАҲКАМАСИНИНГ ИШ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ
(тарихий-манбавий таҳлил)**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of abstract of the (DSc) dissertation

Эргашев Бахтияр Эргашевич

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш
фаолияти (тарихий-манбавий таҳлил) 3

Эргашев Бахтияр Эргашевич

Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского
генерал-губернаторства (историко-источниковедческий анализ) 33

Ergashev Baxtiyar Ergashevich

Bookkeeping activity of the chancery of Turkistan general-government
(historical-source analysis) 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06.01.2018.Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ БАХТИЯР ЭРГАШЕВИЧ

**ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ
МАҲКАМАСИНИНГ ИШ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ
(тарихий-манбавий таҳлил)**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tar57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) им тармоғига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маҳкамова Нодирахон Раҳмановна
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юсупова Дилором Юнусовна
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Гулямов Хондамирмирзо Гулямович
тарих фанлари доктори, профессор

Шадманова Санобар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2018.Tar.51.06 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-62-01; e-mail: info@uzhistory.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси билан).

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби т.ф.н.

С.С. Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (DSc) докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўтмиш воқеликларини ўзида мужассам этган жаҳон давлатчилиги тарихи жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, тарихий мерос муаммоларининг бир мамлакат доирасидан чиқиб, дунё миқёсида аҳамият касб этиши билан характерланади. Қадим даврлардан шаклланган тарихий ҳақиқат жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳаққонийлик мезони вазифасини ўтайди. Халқларнинг ўзлигини англаш жараёни тезлашиб бориши натижасида мустақил тараққиёт шароитида давлатнинг тутган ўрни борасидаги тарихий мунозаралар кескин авж олди. ХХІ аср бошларига келиб сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳалардаги рақобат туфайли тарихшунос-манбашунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларда инсон тарихий меросини ҳимоя қилишга эҳтиёж сезиларли даражада ошди.

Жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган цивилизациялар тарихини тадқиқ қилишда энг аввало ёзма манбаларни ўрганиш, улар асосида илмий хулосалар бериш тарихшунос ва манбашунос олимлар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида етакчи олимлар жаҳон тарихини тадқиқ этишда асосан қўлёзма манбаларга таяниб иш олиб боришмоқда. Эътироф этилган ҳақиқат шуки, тарихнинг узок ва яқин даврларига холис баҳо бериш, аввало, тарихий манба мақомидаги ҳужжатларни тўғри таҳлил этиш билан боғлиқ, тарихий воқеликни ёзма манбалар асосида ёритиш эса, тарих фанининг амалий жиҳатларидан биридир.

Республика мустақилликка эришганининг дастлабки йиллариданоқ узок ва яқин тарихни чуқур ўрганиш, энг ишончли манбаларга таянган ҳолда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш масаласига жиддий эътибор берила бошланди. Бунинг натижасида собиқ совет мафкураси таъсирида сохталаштириб кўрсатилган кўплаб тарихий воқеликлар ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Жумладан, илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш дастури доирасида тадқиқотчилар олдига ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий бошқарув идоралари фаолияти тарихини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш вазифаси қўйилди¹. Танланган мавзуни илмий таҳлил қилиш зарурияти «... маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг тарихий манбалар билан ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Расмий нашр/Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – 63 б.

меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш» каби вазифаларни амалга ошириш билан белгиланади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-февралдаги ПҚ 2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия ФА Этнология ва антропология институти, Москва давлат университети Марказий Осиё тарихини ўрганиш маркази (Россия), Association for Asian Studies, Harvard Forum for Central Asian Studies (АҚШ), Association de Recherche et d'Information sur l'Asie Centrale, European Science Foundation Asia Committee (Франция), Royal Asiatic Society (Буюк Британия), Centre for Modern Oriental Studies (Германия), Ўзбекистон Миллий университети ва ЎзР ФА Тарих институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари манбашунослик фани талаблари асосида, қуйидаги илмий натижалар олинган жумладан; Туркистонда давлат ва маъмурий идоралар иш юритиш манбашунослиги (Harvard Forum for Central Asian Studies, АҚШ); маҳкама иш юритиш ҳужжатлари манбашуносликдаги ташқи ва таҳлил қилинган ички белгиларининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган (Faculty of History of Harvard College, АҚШ). Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг манбавийлик даражаси таҳлил қилинган (Centre for

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2995-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. – Тошкент, 2017йил. 29 май. – 21-сон. 389-модда.

³ Хорижий тадқиқотлар шарҳи www.iaaw.hu-berlin.de; www.indiana.edu; www.gwu.edu; www.soas.ac.uk; www.cambridge-centrtalasia.org; www.oaaw.ac.at/iran; www.igh.ru; uzhistory.uz; www.apps.carleton.edu; www.archivistes.org ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Russia and Eurasian Studies at Harvard University, АҚШ). Шунингдек, маҳкамадаги иш юритиш ҳужжатларини ўрганиш асосида Туркистон тарихи манбашунослигини тадқиқ этиш (Association de Researches et a Information sur l'Asie Centrale, (Франция) Centre for Modern Oriental Studies (Германия), Москва Давлат университети Марказий Осиё тадқиқот маркази, Россия давлат гуманитар университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, ЎзР ФА Тарих институти, (Ўзбекистон)да амалга оширилган ишлар юзасидан назарий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирда хорижий тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқотларида мустамлака даври тарихини ёритишни такомиллаштириш учун қуйидаги устувор йўналишлари –маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳолатига салбий таъсир этадиган давлат бошқаруви тамойилларини жорий қилиниши, қонунлар ва иш юритиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари, архив ёзма материалларини ҳаққоний ва танқидий баҳолаш, босиб олинган ҳудудларда бошқарув тизимининг зарарли оқибатлари, унинг маҳаллий аҳоли ҳаётига таъсирини аниқлаш; мустамлака даври қонунлари ва иш юритиш ҳужжатлари, трансформация жараёнини акс эттирган архив маълумотларини танқидий баҳолаш ва талқин қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бу жамиятда юз бераётган жараёнларни фалсафий мушоҳада этишда муҳим тарихий-маданий мезон ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси (канцелярия)сининг иш юритиш фаолияти тарихшунослигига оид адабиётларни, концептуал услубий ва хронологик-муаммовий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, тўрт даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

I. Мустамлака даври нашрлари. II. Совет даври адабиётлари. III. Мустақиллик даврида нашр этилган ишлар. IV. Хорижлик мутахассисларнинг тадқиқотлари.

Мустамлака даврига доир адабиётларда Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси фаолияти кўпроқ ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ёритилган⁴. Ушбу даврда нашр этилган ишларнинг аксариятида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш фаолиятига оид маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, уларда генерал-губернаторларнинг сиёсий фаолияти анча кенг ўрганилган. Жумладан, А.И. Добросмысловнинг асарида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ва унинг амалдорлари фаолиятига доир масалалар ўз аксини топган⁵.

Совет даврида мустамлака маъмурий давлат ташкилотлари тарихига оид кўплаб асарлар нашр этилган. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб

⁴ Евреинов В.А. Гражданское чиновничество в России. – СПб., 1887; Градовский А.Д. Начала русского государственного права. – СПб., 1890; Коркунов Н.М. Русское государственное право. – СПб., 1893; Шу муаллиф. Общее учение о государстве и учение об управлении. – Киев, 1909; Ивановский В.В. Русское государственное право. – Казань, 1908; Шаланд русское государственное право. – Юрьев, 1908.

⁵ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент. Электро-печатная А.О. Порцева, 1912. – 482 с.

тадқиқотчилар П.Г.Галузо⁶ ва З.Д.Кастельская⁷ томонидан генерал-губернатор маҳкамаси ҳужжатлари асосида империя ҳукуматининг Туркистондаги мустамлака сиёсатининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган⁸.

Мустақиллик йилларида республикада бир қатор тарихчи олимлар томонидан Туркистоннинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари тарихига бағишланган тадқиқотлар олиб борилди⁹. Жумладан, Н.А.Абдурахимова, Ф.Р.Эргашев, Г.К.Рустамованинг тадқиқотларида Туркистон мустабид маъмуриятининг тарихи ўрганилган¹⁰.

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили айнан Туркистон генерал-губернатор маҳкамасининг иш юритиш фаолияти манбашунослик жиҳатидан деярли ўрганилмаганини кўрсатади.

Умуман, Ўрта Осиёнинг турли даврлари тарихи манбашунослигини ўрганиш борасида ўзбек олимлари катта тажрибага эга бўлиб,¹¹ айниқса, Б.В.Лунин¹², Б.А.Аҳмедов¹³, М.М.Исҳоқов¹⁴ каби олимларнинг

⁶ Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии (Исторический очерк). – Т. Изд-во Сред. Аз. ком. ун-та, 1926. – 90 с.; Шу муаллиф. Туркестан – колония. (Очерк истории Туркестана от завоевания до революции). – М.: Ком. ун-т трудящихся Востока, 1929. – 164 с.; Шу муаллиф. Восстание 16 года. – М.; Т.: Изд-во «Соцэкгиз», 1932; Шу муаллиф. Туркестан – колония. – Т.: Узгосиздат, 1935.

⁷ Костельская З.Д. Восстание 16 года в Узбекистане. – Т.: УзГиз, 1937.

⁸ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. (Исследования и описание документов с историческим введением). – Л., 1940.

⁹ Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш: (XVIII–XX аср бошлари) // Жамоатчи муҳаррир: М.Саъдий. – Т.: Шарк, 1998. – 408 б.; Аҳмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане) / Отв.ред. Аҳмедов Б., Ибрагимов Н. – Т.: Фан, 1995. – 218 с.; Исҳоқов Ф.Б. Прошлое глазами историка: научно-популярный очерк. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 175 с.; Шу муаллиф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 – 1917). – Т.: Фан, 1997. – 203 с.; Голендер Б.А. Окно в прошлое. Туркестан на старинных почтовых открытках (1898 – 1917) // Культура Средней Азии в документах и материалах. Борис Александрович Голендер / Отв. ред. Ртвеладзе Э.В. – Т., 2002. – 248 с.; Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. Тошкент «Lotisod–moliya», 2008. – 168 бет; Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости / Абдуллаев Р.М., Агзамходжаев С.С., Алимов И.А. и др. – Т.: Шарк, 2000. – 672 с.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликлари талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865 — 1990 йиллар) / Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: Алимова Д.А. - Т.: Шарк, 2000. – 432 б.; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати: мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги / Д.Алимова таҳрири остида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 176 б.

¹⁰ Абдурахимова Н.А. Революционное движение и характерная политика царизма в Туркестане (к истории царской тюрьмы в Туркестане): Автореф. дис. ...канд.ист.наук. – Т., 1969. – 40 с.; Шу муаллиф. Из истории Туркестанского чиновничества второй половины XIX – начала XX в. // Вопросы социально-экономической истории дореволюционного Туркестана. – Т., 1985; Шу муаллиф. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX в.): Автореф. дис. ...докт-ра.ист.наук. – Т., 1994; Шу муаллиф. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX в. / Отв.ред. Зияев Х.З., Гулямов Х.Г. – Т.: Университет, 1999. – 162 с. (в соавторстве с Рустамовой Г.К.); Шу муаллиф. Колониальная система царизма в Туркестане. – Т.: Академия, 2002. – 205 с. (на узб.яз.) (в соавторстве с Ф. Эргашевым).

¹¹ Историография общественных наук в Узбекистане. Биобиблиографические очерки / Сост. Лунин Б.В. - Т.: Фан, 1974. – 386 с.; Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана / Сост. Лунин Б.В. – Т.: Фан, 1977. – 424 с.

¹² История Узбекистана в источниках / Сост. Лунин Б.В. - Т.: Фан, 1984. – 223 с.; Шу муаллиф. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVII - первой половины XIX в. – Т.: Фан, 1988. – 256 с.

¹³ Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. – Т., 1985. – 261с.; Шу муаллиф. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар): тарих муаллимлари, талабалар ва юқори синф ўқувчилари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 352 с.

¹⁴ Исҳоқов М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (Древность и раннее средневековье). – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. – 340 с.

тадқиқотларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Мазкур тадқиқотчилар томонидан қадимги замон ва ўрта асрлар тарихига доир ёзма манбалар, жумладан, саёҳатчилар ва олимлар хотиралари батафсил ўрганилган. Бундан ташқари, Д.Ўроқовнинг номзодлик диссертациясида Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлари ҳарбий губернаторларининг расмий ҳисоботлари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган¹⁵.

Шунингдек, С.Б.Шодмонованинг тадқиқотларида Туркистон матбуоти материаллари тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг матбуот саҳифаларида акс этиши масалалари тадқиқ этилган¹⁶.

Россиялик тадқиқотчиларнинг давлат идораларининг кўриб ўтилаётган даврда турли соҳалардаги иш юритиш масалаларига бағишланган ишлари манбашунослик жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади¹⁷.

Бундан ташқари, хорижий тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиё тарихининг турли жиҳатлари ўрганилган. Д.Х.Зияеванинг келтиришича, британиялик олим Эдвард Денис Сокол Туркистондаги 1916 йил қўзғолони масаласини тадқиқ этиб, уни Туркистон тарихидаги феномен сифатида баҳолайди¹⁸.

Бугунги кунда ҳам хорижлик мутахассисларнинг XX аср охирида рўй берган ўзгаришлар контекстида Туркистон тарихига бўлган қизиқишлари ортиб бормокда. Туркистонни Россия империясининг чекка ўлкаси сифатида баҳолаган швейцариялик Андреас Каплер, италиялик тарихчи Марко Буттино ва бошқа тадқиқотчилар минтақа тарихининг турли жиҳатларини ўрганган бўлсалар ҳам, аммо уларнинг ишларида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси фаолияти алоҳида тадқиқ этилмаган¹⁹.

¹⁵ Ураков Д. Официальные отчеты администрации Туркестана Российской империи как исторический источник: Автореф. дис. ...канд.ист.наук. – Т., 2005. – 28 с.

¹⁶ Шадманова С.Б. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах периодической печати (1870–1917гг.): Автореф. дис. ...докт.-ра.ист.наук. – Т., 2011. – 54 с.; Шу муаллиф. Туркистон тарихи-матбуот қўзғусида (1870–1917 йиллар). – Т.: Yangi nashr, 2011. – 296 б.

¹⁷ Быкова Т.А., Вялова Л.М., Максимович Г.Ю., Санкина Л.В. Делопроизводство: Учебник для вузов. Документоведение и документационное обеспечение управления / Под общ. ред. проф. Кузнецовой Т.В. – М.: МЦФЭР, 2004; Виноградова Л.И. Основные виды документов Сената и организация его делопроизводства / Некоторые вопросы изучения исторических документов XIX – начала XX века. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1967. – С. 111-132; Шу муаллиф. Из истории канцелярий // Секретарское дело. – 1997. – №4. – С. 106-108; Шу муаллиф. Законодательные акты первой половины XIX века об организации и делопроизводстве губернских правлений // Делопроизводство. – 1999. – №2. – С. 83-87; ГОСТ Р 51141-98. Делопроизводство и архивное дело. Термины и определения. – М.: Изд-во стандартов, 1998; Дятлова Н.П. Отчеты губернаторов как исторический источник // Проблемы архивоведения и источниковедения. – Л., 1964. – С. 227-246.

¹⁸ Edward Denis Sokol. The revolt of 1916 in Russian Central Asia. Baltimore. 1954. Charles Hostler. Turkism and the Sarts. – London, 1957; Pirce A. Russian Central Asia, 1960.

¹⁹ Каплер А. Россия – многонациональная империя; возникновение, история, распад. – М., 2000. Буттино Марко. Революция наоборот, Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. – М., 2007; Daniel R. Brower: Turkistan and the fate of the Russian Empire. – London, 2003; Seymour Becker: Russian Protectorates in Central Asia. – London, 2004; Jeff Sahadeo: Russian Colonial Society in Tashkent, 1865-1923. Bloomington, 2007; Alexander S. Morrison: Russian Rule in Samarkand, 1868-1910. A. Comparison with British India. Oxford University Press, 2008.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетидида амалга оширилган АТД–1 «Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихи» (2010–2015 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари асосида мазкур идоранинг ташкил этилганидан бошлаб тугатилгунга қадар бўлган фаолиятини аниқлашдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **тадқиқот вазифалари** белгиланди:

генерал-губернаторлик маҳкама ҳужжатларини туркумлаш ва танқидий таҳлил қилиш орқали ўлка бошқарув тизими тарихий илдизларини аниқлаш;

турли даражадаги муассасалардан олинган ҳужжатлар асосида генерал-губернаторлик маҳкамаси тузилишини очиб бериш;

ҳарбий-халқ бошқаруви тизимида генерал-губернаторлик маҳкамасининг тутган ўрнини ёзма манбалар асосида ёритиб бериш;

маҳкама иш юритиш ҳужжатларининг тарихий ишончлилигини аниқлаш асосида тадқиқот методологиясини ишлаб чиқиш;

архив материалларининг аҳамиятини асослаш учун маҳкама ҳужжатларининг тарихий контент-таҳлилини амалга ошириш;

маҳкама иш юритиш фаолияти учун асос бўлган ҳуқуқий-қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш, улар ёрдамида хизматга кириш, мансабга тайинлаш ва моддий таъминотнинг ҳуқуқий асосларини очиб бериш;

маҳкама бўлимлари ва столларининг фаолият таркиби ҳамда шаклини аниқлаш учун маҳкама ҳужжатларини тизимли туркумлашни амалга ошириш;

маҳкама ҳужжатларини ўрганиш орқали Туркистон шароитида маҳкама кадрларини танлаш, бошқарувчилар тўғрисида маълумотларни аниқлаш;

маҳкама буйруқларининг тарихий манбашунослик материали сифатидаги ўзига хослигини кўрсатиб бериш;

тафтиш материалларидаги танқидий матнларга асосланган ҳолда генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолиятидаги хато ва камчиликларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳарбий халқ бошқаруви тизимида ижро органи ҳисобланган Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси бўлимларидаги иш юритиш фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини Туркистоннинг босиб олинган ҳудудларида маҳаллий аҳоли бошқаруви, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда генерал-губернаторлик маҳкамасининг кундалик иш юритиш фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, микдорий таҳлил ва контент таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўлкани мустабид ҳарбий тузум исканжасида сақлаб туришга қаратилган тузилма сифатида, империя ҳукукий-норматив ҳужжатларининг амалиётга жорий этилиши асосида туб аҳолини бошқариш қонунлари тизими ташкил этилгани далилланган;

хонликлар ва чегарадош давлатлар билан савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришда империя манфаатларига хизмат қилувчи ҳар қандай савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш ва қулай шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича генерал-губернаторлик ташқи сиёсатининг моҳияти очиб берилган;

ҳарбий ва фуқаролик ишларини юритишда генерал-губернаторлик маҳкамаси кадрлар таркиби фақат империя фуқаро-мутахассислари ҳисобидан шакллантирилганлиги ҳамда уларнинг мустабид тузумни сақлаб туриш мақсадида бошқарув жараёнида маҳаллий аҳоли вакилларида малакали мутахассислар етишиб чиқишини чегаралашга қаратилган фаолиятлари исботланган;

иш юритиш ва ижро назоратини ташкил қилиш ташқи, ҳарбий, ички ишлар вазирликлари каби ваколатли органларининг тегишли директив ҳужжатлари ва кўрсатмалари асосида амалга оширилганлиги, ҳисоботлар ва архивлаштириш тартиблари негизида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси империя эҳтиёжига хизмат қилган маълумотлар базасини шакллантирувчи муассаса эканлиги очиб берилган;

ўлкада идора ва ташкилотлар фаолиятига оид қонунларнинг ҳарбий интизом талаблари асосида бажарилишини таъминлашда ижроия ҳокимияти вазифасини олиб борган генерал-губернаторлик маҳкамаси бошлиқлари, иш юритувчилари ва ҳужжатшуносларининг фаолиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон тарихи манбашунослигини тадқиқ этиш учун муҳим бўлган Россия империясининг ўлкадаги мустамлака сиёсатини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари аниқланди;

Россия империяси генерал-губернаторликлари канцеляриялари ҳамда мустабид тузумни кучайтиришга қаратилган Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш фаолиятидаги ўхшашлик исботланди;

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш фаолиятига доир тарихий манбаларнинг умумийлик ва ўзига хос жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг аниқ илмий манбаларга асосланганлиги, маҳкама ҳужжатлари туркумлаш, контент ва тарихий-манбавий усуллар орқали таҳлил қилингани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацион тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда давлат бошқаруви тарихи манбашунослигига доир назарий хулосаларни шакллантириш ва ёндашувларни танлаш имконини бериш, методологияни ривожлантириш билан белгиланади. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш фаолияти мисолида давлат бошқаруви хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унинг Ўзбекистон давлатчилиқ тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослигини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижалари ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги таълим жараёнларини янги маълумотлар билан кенгайтириш, тарихий манбашуносликка доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш тарихини ўрганишда олинган натижалар асосида:

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларини туркумлаш, маълумотларни танлаш услубларига оид хулосалардан Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонасининг 1868–1917 йиллар фондларини архивлаштиришда, ИП-324-344; КП-1233; ИП-1233-2; КП-1236-10-27; КП-1372-1-6; КП-1559-1-3-фондларининг музей атрибуциялари асосида экспозицияга оид илмий таҳлилларни ўтказишда фойдаланилди (Маданият вазирлигининг 2018 йил 10 январдаги 01-11-08-134-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланиши Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонасининг қайд этилган фондларини янги маълумотлар билан бойитган, экспонатлар изоҳларига янгича мазмун бахш этган.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг контент таҳлили, маълумотни танлаш услубларига оид қарашлардан ЎЗР ФА тарих институтида амалга оширилган Ф-1-ФА-0-11986 «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (қадимдан ҳозирга қадар)» фундаментал лойиҳасининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари бўлимини ёритишда фойдаланилди (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-02.11/1373-сон маълумотномаси). Берилган маълумотлар шаҳарлар бошқарувида оид расмий манбалар асосида жорий этилган «янги» ва «эски» шаҳарлар тарихига оид илмий хулосаларни бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот материалларидан Ф-1-ФА-0-11986 «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (қадимдан ҳозирга қадар)» фундаментал лойиҳаси доирасида Россия империяси мустамлакачилиги даврида шаҳарлар тарихини ўрганишнинг манбашунослик асослари ва услубларини очиб беришда фойдаланилган (Фан ва

технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-02.11/1373-сон маълумотномаси). Диссертация илмий хулосаларининг қўлланилиши XIX XX аср бошларида Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг аниқ баҳоланишига имкон берган.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларини ўрганишнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср боши илмий жамиятлар тарихига оид ёзма маълумотлар асосида «Археология ҳаваскорлари тўғараги»га оид архив ҳужжатлари Ф.И.-ФА-083775 «Сўғд ва Уструшонанинг антик ва ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари» фундаментал лойиҳасига татбиқ этилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА.02.11/1374-сон маълумотномаси). Тадбиқ натижасида Самарқанд вилоятидаги Кофирқалъа, Кофирмулла (И-1 Фонд, 1-рўйхат, 150-йиғма жилд) ёдгорликларига доир маълумотлар мукаммаллашган, Ўзбекистон ҳудудидаги илк христианлик тарихининг тўғри таҳлил қилинишига имкон берган.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари асосида Ф.И.-ФА-083775 «Сўғд ва Уструшонанинг антик ва ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари» лойиҳасининг Сўғднинг қадим шаҳарсозлик маданияти ҳамда қурилиш қолдиқларининг хусусиятларига оид маълумотларни таҳлил этишга бағишланган қисмини ёритишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА.02.11/1374-сон маълумотномаси). Тадқиқот хулосалари Ўрта Осиёдаги қадим маданият марказлари ҳақидаги маълумотларнинг янада аниқлашишига хизмат қилиб, уларга оид айрим скептик қарашларнинг асоссизлигини кўрсатиб беришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотда асослаб берилган илмий қарашлар, ғоялар ва тадқиқотнинг асосий илмий натижалари диссертант томонидан эълон қилинган қатор ишларда ўз аксини топган. Шунингдек, диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосаларига таяниб, тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 90 илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 27 та мақола, жумладан, 20 таси республика ҳамда 7 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 251 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкама-сининг иш юритиш материалларини ўрганиш услублари ва уларнинг манбашуносликка оид тавсифи»** деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унда генерал-губернатор девонхонаси материалларининг ҳаққонийлик даражаси аниқланади ва манбашунослик жиҳатдан ўзига хос томонлари кўрсатиб берилади.

Россия императорининг 1867 йил 15 июлдаги №44844-сонли Туркистон ҳарбий округи муассасалари тўғрисидаги фармонида шундай дейилган: «...ушбу қўшиннинг фуқаролик бошқаруви бўйича ишлари генерал-губернатор қошида ташкил қилинган ҳарбий-халқ бошқармаси маҳкамаси томонидан амалга оширилади»²⁰. «Маҳкама» тушунчаси Марказий Осиё ҳудуди учун қадимги Шарқ ҳукмдорларининг тарихий ёзув ва тил бирлиги сифатида тушуниланган. Масалан, М.М.Исҳоқовнинг фикрича, «...ахамонийлар даврида ...Мисрдан шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва Ўрта Осиёгача оромийлар маҳкамаси» бўлган²¹. Маҳкамалар даврлар ўтиши билан ўзининг асосий хусусиятини сақлаб қолган, аммо иш юритиш тизимида муайян ўзгаришлар киритиб борган.

Тарих фанининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, тарихий жараёнлар ва тарихий тадқиқотлар мақсадларини тушунишдаги трансформация муаммоли масалаларни сезиларли равишда кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Бугунги кунда тарихий-манбашунослик тадқиқотларида янги ёндашувларни аниқланиши муҳимдир. Аммо манбашунослик тадқиқотларидаги назарий ва амалий ёндашувларда ҳам манба моҳиятини таҳлил қилиш зарур шартлардан бири ҳисобланади. Бунда воқеалар таркиби ва баёни, мавжуд аҳвол, яъни манбанинг илмий қиймати, маълумотлар ва уларнинг йўналиши тўғрилиги аниқланади. Шу маънода Туркистон генерал-губернаторлик маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари нисбатан янги ёзма манба сифатида манбашунослик таҳлили тартибларини биров энгиллаштиради. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ёритиш билан боғлиқ услубларидан

²⁰ Полное собрание законов Российской империи. Собрание второе. XLII. Отделение первое. 1867. от 44078-44894. Санкт-Петербург. В типографии II Отделения Собственной Его Императорского Величества Канцелярии. 1871. – С. 1160.

²¹ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (Древность и раннее средневековье). – Т.: Изд-во Ун-та мировой экономики и дипломатии, 2008. – С. 28.

бири Чарльз Рионинг каталогик маълумотлар услуби бўлиб²², унда бир нечта қоидалар келтирилган: 1) ҳужжат номи, яъни генерал-губернатор маҳкамасида ҳар бир иш юритиш ўз номига эга бўлган; 2) Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасидаги ҳар бир ҳужжатнинг иш юритиш тартиби рақами бўлган; 3) маҳқамадаги ҳар бир иш юритиш ҳужжат ундаги бўлимлар бўйича расмийлаштирилган (Шу боис иш белгиланган тартиб-қоидалар бўйича рақамлангандан кейин қайси бўлимда тайёрланганига кўра қайд қилинган. Кўплаб иш юритиш ҳужжатларида ҳатто ҳужжатга қайси бўлим столида ишлов берилганлиги ҳам ёзиб қўйилган); 4) маҳқама ҳужжатида мажбурий тартибда иш юритишнинг бошланиш ва тугаш санаси қайд этилган; 5) варақ юзида саҳифаларнинг миқдори ёзилиши шарт бўлган; 6) одатда маҳқама ҳужжати охирида муаллиф исми, ҳужжатни тузувчилар ҳақида маълумот бўлган.

Маҳқама иш юритиш ҳужжатларининг таснифи масаласи мунозарали бўлиб, бу борада турли таснифлар учрайди. Бизнингча, уларни тўртга, яъни картографик, статистик, акт ва маҳқамага оид манбалар тарзида таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Айни тўрт таснифнинг охиригиси диссертация мавзуси бўйича манбашуносликнинг асосий шакли ҳисобланади. Маҳқама ҳужжатлари икки хил бўлиб, тузилишига кўра маҳқаманинг иш юритиш мезонлари, биринчидан, маҳқаманинг барча ички ҳужжатларини ва иккинчидан, давлат ташкилотлари ўртасидаги ёзишмаларни қамраб олади. Ҳужжатлар орасида эсдаликлар, расмийчилик учун ёзилган хатлар, ёрликлар, фармойишлар, хотиралар, ахборотлар ва маълумотлар ҳамда қирим-чиқимлар алоҳида кўрсатилган²³.

Маҳқама материаллари манбашунослиги методологиясида яна бир қатор тартиблар кўзда тутилган: 1) ижтимоий-сиёсий сўзларни билиш зарурияти, яъни, қабул қилинган маҳқама атамаларини билиш; 2) маҳқама фаолиятидаги қонунлар аҳамиятини билиш ва тўғри тушуниш; 3) ўлкани бошқаришга доир низомларни тўғри тушунтира олиш; 4) буйруқлар манбаларнинг алоҳида тури ҳисобланган; 5) генерал-губернаторлар циркулярлари (генерал-губернаторлар томонидан қуйи ташкилотларга юбориладиган фармойишлар); 6) илтимоснома ва билдириш хатлари; 7) маҳқама бўйича билдиришномалар; 8) шахсий хизмат ҳужжатлари; 9) тафтиш материаллари; 10) маҳқама архивининг фаолияти.

Диссертант томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги иш юритиш тамойилларини ўрганиш масалалари бўйича уч асосий ҳолат танлаб олинди. Маҳқама материаллари билан ишлаш методологияси маҳқама ҳужжатларини тарихийлик нуқтаи назаридан талқин қилиш услубига асосланади.

Контент-таҳлил манбашунослик тадқиқотларида энг муҳим усуллардан бири ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси – манбани мазмуний жиҳатдан

²² Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – Б. 19.

²³ Пронштейн А.П. Методика исторического источниковедения. – Ростов: Изд-во Ростовского ун-та, 1976. – С. 64-66.

таҳлил қилишдир. Контент таҳлил манбашуносликда алоҳида усул сифатида XIX аср охирида шаклланиб, XX аср бошларидан кенг қўллана бошлаган²⁴.

Манбаларни ўрганиш жараёнида «маълумот бирлиги» тушунчасини киритган Э.Морен усули қўл келди. Унда «Нима ҳақида гапирилмоқда?» деган саволга мазмунан мос келувчи манба танланади. Эмоционал усул манбани маъносига кўра «ижобий», «салбий», «бетараф» турларга ажратишга асосланади. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси материаллари таҳлили жараёнида бу маҳкама фаолиятини очиш учун «муҳим», «керакли» ва «билвосита-ёрдамчи» тушунчаларидан фойдаланилди.

ЎзР МДАнинг И-1 фондидаги материаллар билан танишиш маҳкама материаллари миқдорий нисбати тўғрисида муайян хулосаларга келиш имконини беради. Масалан, ички маҳкама ишлари билан боғлиқ масалалар 1-рўйхатга киритилган бўлиб, жами 106 та ишдан иборат.

Аслида И-1 фондидаги барча ишлар маҳкамага тегишли, улар муҳрланиб, чиқиш ҳамда кириш хужжатига мос тарзда рақамланган. Масалан, «Маҳкама мудир генерал-майор камергер Каблуковнинг Петербургга хизмат ишлари бўйича сафари, унга 4 ойлик таътилга рухсат бериш тўғрисида. Камергер Щербинскийни маҳкама мудир вазифасига тайинлаш тўғрисида. Камергер Каблуковни генерал-губернатор хизматида тайинлаш тўғрисида»ги²⁵ 1676 рақамли 1880 йил ноябрдан 1882 йил 6 июнгача бўлган хужжатлар 54 ыаракдан иборат.

Фонд рўйхатидаги ишларнинг миқдорий таҳлили генерал-губернатор маҳкамаси хужжатлари миқдори тўғрисида қуйидаги янги хулосаларга келиш имконини берди: рўйхатларда жами 44214 та иш мавжуд бўлиб, улардан 37696 таси мавжуд, 6518 та иш эса жойида йўқлиги аниқланди.

Бу миқдорий таҳлил Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви йўл кўрсаткичига ўзгартиш киритиш заруриятини туғдирди, чунки унда 31655 та иш мавжудлиги қайд этилган (1948 йилда тузилган йўл кўрсаткични тўлдириш лозим).

Рўйхат бўйича ишларнинг сони ҳақида тўғри маълумотга эга бўлгандан сўнг манбашуносликда миқдорий таҳлил қилиш вазифаси қўйилади – бу тадқиқ қилинаётган объект ва воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий қонуниятлари, шаклланиш ва амал қилиш хусусиятларини аниқлашга қаратилган таҳлилий ва синтетик ишлар мажмуидир²⁶. Бу мураккаб, аммо манбашуносликдаги зарурий жараёндир.

²⁴ Алексеев А.Н. Метод Жака Кайзера (Из ответа исследований французской ежедневной прессы) // Проблемы современной зарубежной печати. Сб. ст. -Л., 1969. С. 56-77; Шу муаллиф. Контент-анализ, его задачи, объекты и сходства // Социология культуры. – М., 1974. Вып.1. – С. 131. Литвак Б.Г. Принципы формализации содержания массовой документации и регистра (по материалам XIX века) // Археологический ежегодник 1977 – М., 1978; Бороднин Л.И. Контент-анализ и проблемы изучения исторических источников // Математика в изучении средневековых повествовательных источников. – М., 1986.

²⁵ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 1-рўйхат, 1676-йиғма жилд, жами 54 ыарак.

²⁶ Шендерюк М.Г. Количественные методы в источниковедении: Учебное пособие. – Калининград: Калининградский ун-т, 1996. – С. 10.

Ишлар (яъни ҳужжатлар) миқдори аниқланиб, улар категорияларга ажратиб олинади. Масалан, «Прапорщик Калашниковни Туркистон ўлкасида ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича хизматда қолдириш тўғрисида»²⁷; «Амалдорларга §8.2 модда (вилоят маҳкамаси сметаси ва бошқа харажатлар)дан маош бериш тўғрисида»²⁸; «Маҳкаманинг истеъфодаги хизматчиси Новосельскийни ҳарбий-халқ бошқармаси бўйича хизматга тайинлаш тўғрисида»²⁹; «Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига ёлланган мирзаларга маош бериш тўғрисида»³⁰; «Али-султан-бек Израбековни Чимён уезди бошқармасига ёзма таржимон қилиб тайинлаш ва қирғиз Кибишовни бу лавозимдан озод этиш тўғрисида»³¹; «Туркистон генерал-губернатори маҳкамасида Ғулжа иши бўйича дипломатик бўлимда иш юритувчи лавозимини таъсис этиш тўғрисида» сингари категорияларга ажратилди³².

128 ва 238-ишларни аҳамиятлилик даражасига кўра ҳам ажратишга тўғри келади, чунки уларда вилоят маҳкамаси аппаратида ишловчи амалдорларнинг миқдори, дипломатик бўлимда, масалан, Ғулжа иши бўйича дипломатик бўлимда иш юритувчини тайинлаш ҳақида маълумотлар берилади. Бу ҳужжатлар аниқ мурожаат қилинганлиги ва мақсадли йўналтирилганлиги билан характерланади.

139, 161 ва 219-ишларни «керакли» сифатида белгилаш мумкин, чунки уларда қуйидагилар маълум қилинади: 1. Туркистон ўлкасида маҳкаманинг истеъфодаги хизматчисини ҳарбий-халқ бошқармаси бўйича қаерга хизматга тайинланганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. 2. Маҳкамага ёлланган мирзаларга маош бериш тўғрисида. Бу ерда «ёлланма» сўзи муҳим ҳисобланади, ваҳоланки у мирза вазифасида доимо иштирок этган. 3. Бир ёзма таржимон ўрнига бошқасини тайинлаш тўғрисида, бу тизимли тарзда амалга оширилган. 117-рақамли ишда маҳкама қарори билан истеъфодаги прапорщик ҳарбий-халқ маҳкамасига хизматга тайинланишини «билвосита-ёрдамчи» сифатида таснифлаш мумкин. Биринчидан, истеъфодаги кичик ҳарбий амалдорларни бундай тайинлаш ўлкада кўп кузатилган, иккинчидан, унинг қаерга тайинлангани кўрсатилмаган.

Маҳкама ҳужжатлари таркибининг ўтказилган миқдорий ва сифатий контент-таҳлили тарихий манба сифатида ҳужжатнинг роли ва моҳияти ҳақида ўзаро алоқадор хулосаларга келиш имконини беради.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларининг сифатий таҳлили қуйидаги хулосаларни беради. Агар сифатий таҳлил – бу «ҳодиса» XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги жамият фаолияти маҳсули бўлса, миқдорий таҳлил маҳкама ҳужжатларининг моҳиятини кўрсатади ва баъзан тавсифий мазмун деб ҳам аталади. Маҳкамадаги

²⁷ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 1-рўйхат, 117-йиғма жилд, 4-варақ.

²⁸ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 1-рўйхат, 128-йиғма жилд.

²⁹ Шу манба, 139-йиғма жилд, 9-варақ.

³⁰ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 1-рўйхат, 161-йиғма жилд, 101-варақ.

³¹ Шу манба, 219-йиғма жилд, 6-варақ.

³² Шу манба, 238-йиғма жилд, 12-варақ.

ҳужжатларнинг рўйхат бўйича ўтказилган сифатий-тавсифий таҳлилда рўйхатдаги материалларнинг туб моҳияти, уларнинг асосий қонуниятлари, пайдо бўлиш хусусиятлари ҳамда амал қилинишини аниқлаш учун математик таҳлил ва мантиқий тузилиш тартиблари мажмуи ҳосил бўлди.

Ўтказилган таҳлилнинг моҳияти – генерал-губернаторлик маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг асосий мезонларини аниқлаш мақсадида тадқиқот мавзуси мазмунини очиш учун керакли материални танлаб олишдир. Навбатдаги зарурий вазифа эса маҳкама фаолиятини кенгроқ таҳлил қилишга ёрдам берадиган ҳужжатларни сифат жиҳатидан танлаб олиш эди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар характери ва моҳиятига кўра уч категорияга: «муҳим», «керакли» ва «ёрдамчи»ларга ажратилди. Бундай босқичларга ўтиш маҳкама ҳужжатлари устида сифатий контент-таҳлил ўтказиш ва маҳкама фаолияти билан тўлиқроқ танишишга имкон берди.

Диссертациянинг «**Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш фаолиятининг вужудга келиши ва унинг ҳуқуқий асослари**» деб номланган иккинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолиятининг асосий шакллари, иш юритишнинг ҳуқуқий асослари, маҳкаманинг таркибий тузилиши ва вазифаларига оид манбалар тадқиқ қилинган.

Туркистоннинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлари тарихига оид тадқиқотларда бошқарувнинг ҳарбий амалдорлардан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасига тегишли бўлганлиги қайд этилади. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси Россия императорининг бўлимлар ва столларга ажратилган хусусий девонхонасининг тарихий тажрибаларига асосланган эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўз фаолиятида иш юритиш қоидаларини белгилашда доими Сенат қарорларига таянган. Бундан ташқари, бевосита Давлат Кенгаши ва унинг девонхонаси, давлат котиби ва архивининг қарорларига таяниб фаолият юритган³³.

Иш юритиш – маҳкама фаолиятининг асосий шаклидир. Шунинг учун иш юритиш материаллари тарихий манбаларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади, иш юритиш ҳужжатлари Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизимининг ҳужжат хизмати вазифасини бажарган.

Маҳкама иш юритиш тизимига оид ҳужжатларни қуйидаги уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) маҳкаманинг юқори ташкилотлар билан ёзишмалари: Ҳарбий вазирлик ва унинг Осиё бўлими, Бошқарувчи Сенат ва Геральдия департаменти, Ички ишлар вазирлиги маҳкамалари, Ерга эгалик ва давлат мулки ҳамда бошқалар;

2) ички ҳужжатлар: столлар бўйича иш юритиш ҳужжатларини тайёрлаш, белгиланган масалалар бўйича маърузалар тайёрлаш, ҳарбий губернаторлар номига жавоблар ва сўровномалар тайёрлаш, бошқа

³³ Ноль-де А.Э. Сперанский М.М. Биография. – М.: Моск. школа полит. исслед., 2004. – 542 с.

бўлимларга аҳамиятлилиги бўйича ҳужжатларни етказиш, ўлканинг бошқа маҳкамалари билан ёзишмалар, темир йўлга оид ҳужжатлар ва ҳ.зо.

3) Туркистон генерал-губернатори ва маҳкама бошқарувчиси номига арзномалар.

Иш юритиш ҳужжатларининг мазкур уч туридан генерал-губернаторлик маҳкамасининг ички ҳужжатлари диссертациянинг тадқиқот объекти қилиб танлаб олинди. «Ички ҳужжатлар» тушунчасида қуйидаги ҳолатларни алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) маҳкамага келган ҳужжатлар қайд қилинган, уларга иш юритиш бўлимлари ва столига йўналтирилишига қараб ном берилган; 2) иш юритиш бошланган сана қўйилган; 3) қайд қилиш журналида ҳужжатнинг қисқача мазмуни ёзилган ва у ижро учун қайси иш юритувчига берилгани белгилаб қўйилган.

Маҳкама иш юритиш ҳужжатларининг манбашунослик тадқиқотида ташқи белгиларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва тарихий тадқиқотларда бу манбалардан фойдаланиш ўртасида аниқ фарқ намоён бўлади. Биринчи қисм, аввало, архив иши доирасида махсус фан сифатида кўзга ташланади, унда маҳкама иш юритиш материаллари мазмун жиҳатдан таҳлил этилмайди.

Ёзма манбалар Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш фаолияти Россия империяси қонунлари асосида тартибга солинганлигини кўрсатади. Шунинг учун у Россия империяси давлат ташкилотлари учун қабул қилинган қонун ҳужжатларига бўйсунган. 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом» асосий ҳужжат ҳисобланган. Юқорида таъкидланганидек, ўлкани бошқаришга оид Низом лойиҳалари қабул қилинган бўлиб, улар кўпинча бир-бирини инкор қилган эди. Уларнинг тузилиши амалга оширилган катта ишлар натижаси бўлган ва Россия империяси бир неча вазирликлари манфаатларини қондириши лозим эди. Устун мавқега эга бўлган вазирликлар қуйидагилар эди: 1) Ҳарбий вазирлик; 2) Ички ишлар вазирлиги; 3) Молия вазирлиги; 4) Давлат мулки ва деҳқончилик вазирлиги. Уларнинг барчаси Туркистон генерал-губернаторлигида ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилган.

Архив материаллари таҳлили маҳкама фаолияти турли шаклда бўлганлигидан ва қилинган ишларнинг маълумот характерида эга эканлигидан далолат беради. Турли йиллардаги Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича «Низом» маҳкаманинг генерал-губернаторга тегишли эканлигини тасдиқлайди, аммо бу маҳкаманинг фаолият шакли тўғрисида етарли маълумот бера олмайди. «Низом» лойиҳасига қўшилган материаллар, айниқса, 1866 йилги «Туркистон вилоятини бошқаришга оид «Низом» лойиҳасига тегишли материаллар» бу масалага аниқлик киритишга ёрдам беради.

Ўлкани бошқаришда икки йўналиш ҳисобга олинган: 1) ҳарбий; 2) «Низом» лойиҳаси бўйича «ҳарбий-халқ бошқаруви» сифатида

белгиланган халқ бошқаруви³⁴. «Ҳарбий-халқ бошқаруви» бўйича иш юритишда вилоятнинг маҳаллий аҳолиси ҳарбий губернатор маҳкамасига қарашли бўлиб, маҳкама бошқарувчиси ҳарбий губернатор томонидан тайинланган ва олий фармон, яъни Ҳарбий вазирлик бўйича фармон билан тасдиқланган³⁵.

Лойиҳада маҳкама бошқарувчиси ҳуқуқлари тўғрисида у «унга ишониб топширилган бошқармада имкони борича бошқарма бўйича барча ташкилотлардаги маҳаллий аҳолининг аҳволи ва ҳаракати тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиши, шунингдек, иш юритишда ва ишларни ҳал қилишда тасаввурга эга бўлиш учун маҳаллий аҳолига оид статистик ва бошқа маълумотларга эга бўлиши»³⁶ кераклиги таъкидланган.

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси» қабул қилиниб, унда генерал-губернаторлик маҳкамасининг ўлка бошқаруви бўйича вазифалари белгилаб берилган. Маҳкаманинг биринчи бошқарувчиси генерал-майор Александр Константинович Гейнс 1868 йил 9 январда «Маҳкаманинг ишлаб чиқариш бўйича ишларини тақсимлаш тўғрисида (маҳкама тузилишининг тасдиқланган лойиҳаси)» маъруза қилди³⁷. Бу маъруза генерал-губернаторлик маҳкамаси архивининг VI маъмурий бўлимида 18-рақами билан қайд этилган. Ҳужжатнинг тузилиши ва хусусиятлари бўйича маҳкама бошқарувчиси А.К.Гейнс шахсан генерал-губернаторга ҳисобот беради, К.П.Кауфман ўша куни «Тасдиқлайман» деган резолюция қўяди. А.К.Гейнс тўртта бўлим ташкил қилишни таклиф қилади: 1) тақсимловчи; 2) хўжалик-статистик; 3) махсус; 4) бухгалтерлик бўлимлари ва ҳар бир бўлим ишлари бўйича батафсил тавсиф беради.

1-тақсимловчи бўлим бўйича қуйидагилар белгиланди: 1) «ҳарбий-халқ бошқармаси» бўйича амалдорларни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш, меҳнат таътили белгилаш, формуляр хизматлар ҳамда уларнинг рўйхатларини юритиш, иш жойини ўзгартириш, мукофотга тавсия қилиш, нафақа ва пенсияларни тайинлаш, маъмурий жазо, русийзабон аҳоли ва маҳаллий аҳолига мансуб амалдорларни хизматдаги жинояти ҳамда ножўя хатти-ҳаракати учун судга бериш; 2) маъмурий бўлақларга ажратиш ва иккита вилоят ташкил этиш; 3) ҳукумат қарорлари ва фармойишлари ҳамда Туркистон генерал-губернатори йўриқларини барчага маълум қилиш; 4) вилоят чегарасидаги воқеалар; 5) шубҳали шахслар пайдо бўлишини кузатиш; 6) вилоятни бошқариш бўйича йиллик ҳисоботни тузиш.

2-хўжалик-статистик бўлими бўйича вилоят хўжалиги ва статистикасига оид барча ишлар бўйича ёзишмаларни олиб бориш кўзда тутилади: 1) ўлканинг майдони ва барча ерлари сифати, шунингдек, унинг ўрмонлари

³⁴ Туркестанская область. Материалы, относящиеся к проекту Положения об Управлении Туркестанской областью. – Т., 1866. – С. 448.

³⁵ Туркестанская область. Материалы, относящиеся к проекту Положения об Управлении Туркестанской областью. – Т., 1866. – С. 2.

³⁶ Шу манба, 7-бет.

³⁷ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 20-рўйхат, 458-йиғма жилд, 1-варак.

ва сувлари тўғрисида маълумот тўплаш; 2) халқ соғлиғини сақлаш ва озиқ-овқат масаласи; 3) солиқ идораси, мажбуриятлар, турли йиғимлар; 4) почта, телеграф ва алоқа йўллари ташкил этиш; 5) ўлкани идора қилиш ва унинг таъминоти, савдо, саноат ҳамда хусусий кишиларга оид разведка қилинадиган ишлар.

3-махсус бўлим бўйича: 1) таълимга доир масалалар; 2) ўлка чегарасида содир бўлган воқеалар ва қўшни хонликларга муносабат тўғрисидаги хабарлар, турли сиёсий маълумотлар ва миш-миш гапларни тўплаш бўйича ишлар; 3) маънавий муассаса; 4) генерал-губернаторга тақдим қилинган илтимос ва шикоятлар бўйича фармойишлар; 5) генерал-губернаторнинг хусусий шахслар билан ёзишмалари.

4-бухгалтерия бўлими бўйича генерал-губернатор тасарруфидаги ва маҳкама тузилишига ажратилган маблағларга оид ҳисоб-китобларни юритиш, ўлкани бошқаришдаги кирим ва харажатлар бўйича смета тузиш.

Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси фаолиятига оид материалларнинг тарихий-манбашунослик таҳлили қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

1. Маҳкамалар ўз моҳиятига кўра, давлат ташкилотларини бошқарувчи, давлат муассасалари раҳбарларининг асосий иш юритиш ҳужжатларини идора қилиш билан шуғулланувчи органлардир.

2. Генерал-губернаторлик маҳкамаси XVIII аср охирида ўз вазифасини бошлаб, Россия империяси томонидан ўрнатилган ҳуқуқий меъёрлар асосида давом эттирди ва XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўз фаолиятини ҳукумат Сенати девонхонаси, император девонхонаси ва Давлат Совети девонхонаси иш тартиботлари асосида ташкил қилган.

3. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилашда «Қонунлар тўплами», «Давлат хизматини тавсифлаш бўйича Уставлар тўплами» асосий ҳужжатлар ҳисобланган.

4. 1867-1886 йиллардаги Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом лойиҳалари генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолиятининг асосий соҳаларини тўла ёритиб бера олмайди.

5. Маҳкама фаолиятининг асосий шакллари очишда 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом лойиҳаси» муҳим ҳужжат ҳисобланиб, унда генерал-губернаторлик маҳкамасининг асосий вазифалари белгилаб берилган.

6. Маҳкама бўлимлари столларга ажратилган ҳолда фаолият юритиб, белгиланган қоидаларга мувофиқ алоҳида иш юритиш ҳужжатлари тайёрлашга жавоб берган.

Маҳкама доимо иш юритиш бўйича ҳужжатларни бир бўлимдан бошқасига генерал-губернатор ёки маҳкама бошқарувчиси қарорига мувофиқ ўтказган.

Диссертациянинг «Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш ҳужжатлари: архивлаштириш, буйруқлар, тафтиш материаллари» деб номланган учинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда маҳкаманинг архивга топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар билан ишлаш фаолияти ёритилади. Россия империяси қонунларига мувофиқ, Туркистон генерал-губернаторлигидаги барча давлат муассасалари муқаррар тартибда қабул қилинган ва нашр қилинган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши лозим бўлган. Маҳкама архивининг вазифалари сифатида ишларни тўплаш ва сақлаш, уларнинг нусхаларини бошқа столларга бериш, барча ишларни санаси ва ойига қараб тўплаш ҳамда сақлаш, ҳар йили китоб ҳолида муқовалаш, барча ишларни рўйхат дафтарига киритиш белгиланган³⁸.

Ҳужжатларнинг бўлимлар бўйлаб ҳаракатланиши ва уларнинг маҳкама архивига топширилиши ҳужжат бўйича иш тугагандан кейин бўлим фаолиятининг асосий иш шаклларида бири ҳисобланган. Генерал-губернаторлик маҳкамаси бўлими архивга топшириладиган ҳужжатларни рўйхатга олган. Унда ҳужжат номи, иш юритишнинг бошланиши ва тугаши кўрсатилган. Маҳкаманинг архив бўлими ҳужжатнинг характери ва тузилишига қараб, унинг хўжалик, маъмурий ва бошқа бўлимларга ажратилишини белгиллаган.

«Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг 1867 йилдаги 1-бўлим ишлари рўйхати»ни маҳкаманинг дастлабки архив ҳужжатларидан бири дейиш мумкин. 1867 йил 1 январдан бошланиб, 1867 йил 31 декабрда тугаган «Туркистон ўлкасида хизмат қилишга мўлжалланган кишилар рўйхати» номли 51 варақдан иборат 1-рақамли ҳужжатда Туркистон ўлкасида ишлаши белгиланган кишиларнинг номлари акс этган.

Архивга топширилган ҳужжатлар устида ишлашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ишнинг номи тартиб рақами билан, бўлимлар бўйича архив бўлимига қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома билан қайд қилинган. Баъзан мазмуни ва характерига кўра архивнинг турли бўлимларига тегишли бўлган ҳужжатлар битта ишда жамланганлигини кўриш мумкин. Архив бўлимларига топширилган ҳужжатлар миқдори акт ёзувларида қайд этилмаган. Бунинг натижасида ҳар бир бўлим ҳужжатлар устида иш тугаши билан эҳтиёж йўқлигини ҳисобга олиб, иш материалларини девонхона архивига топшириш ҳақида хулоса қилган.

1872 йилдан маҳкаманинг 1-бўлими архив ишларида пала-партишликка йўл қўйилган ҳолатлар кузатилади: 817 номдаги ишларни архивга топширишда амалдорлар уларнинг бирортасига қабул қилганлик ёки архив бўлимлари бўйича ёзилган таърифни илова қилмаган³⁹. Маҳкама бир неча йил давомида бўлимлар бўйича ҳужжатларни умумлаштирган, сўнгра улар архивга топширилган.

³⁸ Государственные учреждения России в XVIII веке. (Законодательные материалы). Справочное пособие. Московский историко-архивный институт. – М., 1960. – С. 11-16.

³⁹ ЎЗР МДА, И-1 Фонд, 27-рўйхат, 1927-йигма жилд, 1-73 варақлар.

Ҳужжатларнинг маҳкама архивига топширилишини даврий изчилликда таҳлил қилиш орқали уларнинг айримлари иш юритиш бўйича белгиланган муддатдан кейин архивга топширилган, деб хулоса қилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, маҳкама бўлимларида ҳужжатлар характери бўйича такрорланганда баъзи ишлар фойдаланиш мақсадида ушлаб қолинган. Бундай зарурий иш ҳолатларида ҳужжатларни ўз муддатида архивга топшириш қоидаси бузилган. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси 1879 йилда №8167-сонли ҳужжатда хўжалик ишларини бошқарувчи амалдордан 1-бўлим ишларини архивда сақлаш учун қабул қилиш ва ўз имзосини қўйишни сўраган.

Архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида 1877 йилгача «ҳужжатларни архивга топшириш» тушунчаси шартли эканлиги тўғрисида хулосага келинди. Архив маҳкама бўлими сифатида алоҳида бино ёки иншоотга эга бўлмаган. Маҳкама иш юритиш ҳужжатлари улар устидаги ишлар тугагач, бўлимлар бўйича типографияга топширилган ва белгилаш аниқ бўлмаганда маҳкама фаолиятида ишнинг характериға кўра аниқланган. Маҳкама архиви тўлиқ ташкиллаштирилмаганлиги сабабли кўплаб ҳужжатлар маъмурий бўлим бўйича белгиланган.

Ўтказилган тафтишлардан кейин маҳкама бўлими ҳужжатларини архивга топшириш ва сақлаш қоидаларига амал қилиш ишлари сезиларли даражада кучайтирилган.

Маҳкаманинг архив ҳужжатлари билан танишиш маҳкама фаолиятининг бошланиш даврида расмийлаштириш ва сақлашга топшириш муддатиға қатъий амал қилинганлигини кўрсатади. Кейинроқ маҳкама бўлимларида иш юритишнинг кенгайиши натижасида ҳужжатларни кечиктириб топшириш, баъзан архив бўлимидан ташқарида расмийлаштирилганлик ҳолатлари ҳам кузатилади. Аксарият ҳолатларда барча ҳужжатлар маҳкама архиви бошлиғининг махсус белгисисиз бошқариш бўлимиға топширилган. Ўз навбатида, эътиборсизлик туфайли архив ишини расмийлаштиришда кўплаб ҳужжатлар ўз моҳиятиға кўра мувофиқ келмаган жойларға ўтказилган. Шунинг учун рўйхатлар сўнгида турли материал сифатида расмийлаштирилган кўплаб ҳужжатлар тўпланиб қолган. Айрим ҳужжатлар жуда узоқ муддатға кечиктириб топширилган. Бу иш юритиш жараёни узоқ давом этгани, ҳужжатлар муҳимлиги ва сўраб олинishiға кўра анча вақт иш юритувчи қўлида қолгани билан изоҳланади.

Маҳкама ҳужжатларининг манбашунослик таҳлили айна маҳкама ишларини ҳар томонлама аниқлашға имкон беради. Маҳкама ҳужжатлари орасида тартибсиз, хронологик изчиллик бузилган, кўрсатма характеридаги буйруқлар муҳим ўрин тутди. Маҳкама бўйича буйруқларға 1898-1916 йиллар санаси қўйилган, қолганлари эса турли рўйхатлар ва ҳужжатларда сақланади. Жумладан, Генерал-губернаторларнинг Туркистон ўлкаси ва Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси бўйича буйруқлари 1898

йилгача архивлаштирилмаган бўлса-да, улар И-1 фондининг 35-рўйхати 43-55-ишларида ўз аксини топган.

1898 йил 27 июндаги 2-буйруқдан маълум бўлишича, генерал-губернатор буйруғига кўра, маҳкама ходими хизматда 8 соат бўлиши, иссиқ кунлар бошланиши билан ишни 14 соатгача давом эттириши лозим бўлган. Бундай иш режими 1 майдан 1 сентябргача, яъни куз-қиш мавсумига қадар сақланган. 1898 йил 11 сентябрдаги 8-қарорга кўра, иш бошланиш соати 9 дан, тугаши соат 15 гача бўлган (иссиқ кунлар тугаши муносабати билан)⁴⁰. Бу буйруқлардан кўриниб турибдики, маҳкама амалдорлари ҳар куни 6 соатдан, ҳафтасига 36 соат ишлаган.

Қатъий ҳарбий интизом маҳкама фаолиятининг ўзига хос хусусияти бўлган ва хизматга ўзбошимчалик билан келмаслик тартибсизликни юзага келтирувчи ҳолат ҳисобланган. Шунинг учун маҳкама мудирини М.И.Бродовский 1898 йил 24 ноябрда «губерния котиби Алексеевга икки марта оғзаки танбеҳдан кейин «унинг хизматдаги ишқўмаслиги учун»... қатъий огоҳлантириш эълон қилган»⁴¹.

Маҳкама, кўпинча, амалдорларни бошқа бўлимларга ўтказиш (ротация) амалиётини қўллаган. Маҳкама буйруқлари характериға кўра, иш юритиш ҳар доим ҳам юқори даражада бўлмаганлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. Жумладан, маҳкама мудирини 1900 йил 15 майда ҳар бир стол бўйича иш юритишнинг бориши тўғрисида ҳар ҳафтада тасдиқланган шаклда маълумот тақдим қилиш тўғрисида буйруқ чиқарган⁴².

Маҳкама ишлари учун 1900 йил 14 июндаги буйруқ жуда фойдали бўлиб, унга кўра, маҳкама бўлимларининг иш юритувчиларига барча тақдим қилинган ёки илова қилинадиган қоғозлардан нусха олиниши тақлиф қилинади⁴³.

Котибликда бундай тартибнинг жорий этилиши архив хизматчиларининг иш юритишини енгиллаштиради, яъни, иш юритишнинг замонавий тилида айтганда, архивариус ишини ва архив ҳужжатлари бўйича тадқиқот ишларида якуний иш олиб боришни енгиллаштиради.

Маҳкама фондидаги материалларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларда иш юритиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида буйруқларга алоҳида эътибор берилмаганлиги аниқланди. 1898-1917 йилларни қамраб олувчи мавжуд ҳужжатлар генерал-губернаторлик маҳкамаси ички регламент бўйича кўплаб буйруқлар чиқариш билан бирга, уларнинг девонхона архивида сақланишига аҳамият бермаганлигидан далолат беради. Ёзма манбаларнинг алоҳида тури сифатида буйруқларнинг чекланишига қарамай, маҳкама ҳужжатларининг бу турини манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилишда маълум ҳулосаларга келиш мумкин.

⁴⁰ ЎЗР МДА, И-1 Фонд, 35-рўйхат, 43-йиғма жилд, 2-8 varaқлар.

⁴¹ Шу манба, 14-varaқ.

⁴² Шу манба, 49-varaқ.

⁴³ Шу манба, 54-varaқ.

Россия империясидаги ҳукумат органлари қонун талабларига амал қилган ҳолда «барча ишларда ҳақиқат бўлиши, губерня ва вилоятларда ҳар қандай ишларни кўриш учун»⁴⁴ доимий равишда тизимли текширувлар – тафтишлар, жумладан, сенаторлик тафтишлари амалга оширилган.

Ҳар хил турдаги, сенаторликдан бошлаб ҳатто маҳкама ичидаги тафтишларда Туркистонда мустамлакачилик ҳукмронлигини кучайтириш бўйича давлат бошқарув органлари ишининг асосий характерли томонлари аниқланган. Тафтиш жараёнида ҳарбий-халқ бошқаруви тизимидаги давлат хизматчиларининг, жумладан, генерал-губернаторлик маҳкамасининг жиддий хато ва камчиликлари аниқланган. Туркистон эгалланганининг дастлабки ўн йиллигида яширин маслаҳатчи Ф.К.Гирс раҳбарлигида ҳукумат тафтиши ўтказилган. Ф.К.Гирсга вақтинчалик қоидалар ва Туркистон генерал-губернаторининг махсус фармойиши асосида Туркистон ўлкасининг маъмурий-суд ва молиявий фаолият бошқарувини белгилаш вазифаси юклатилган. Тафтиш натижалари Туркистон генерал-губернаторлигини «Бошқариш ҳақида қоидалар»ни тўлиқ ишлаб чиқиш учун асос бўлиши керак эди⁴⁵.

Ф.К.Гирс Туркистон генерал-губернаторини: «Энг катта бошлиқ бўлди, айтиш мумкинки, ўлкадаги ягона ҳукумат бошлиғига айланди, губерня коллегиясини маҳкама даражасига тушириб, ўз навбатида, генерал-губернаторлик маҳкамасини асосий ҳал қилувчи ноқонуний ва ноодатий юқори даражага чиқариб қўйди», – деб тавсифлаган эди⁴⁶.

Россия империясининг қабул қилинган иерархияси бўйича маҳкама бошқарувчиси бошқарувчи ҳисобланмаган, балки генерал-губернатор кўрсатмаларининг ижросиси эди. Аммо Туркистонда, аксинча, ҳатто генерал-губернаторнинг фармойишлари муҳим бўлса-да, асосан, барча маҳкамага бўйсунган⁴⁷.

Туркистон ўлкасида ўтказилган тафтишлар орасида сенатор К.К.Паленнинг текширувлари ўз кўлами билан ажралиб туради. У текширувни Россия императорининг 1908 йил 19 мартдаги буйруғи ижросидан бошлаган⁴⁸. Унинг вазифаси Туркистон ўлкаси бошқаруви ислоҳоти учун асосий омилларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Кенг кўламли комиссия генерал-губернаторлик маҳкамаси ишларида кўплаб жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқлаган.

Сенатор К. Пален тафтиши хулосалари Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси кутганидан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқади. Бу, асосан, губернатор маҳкамаси ташкилоти бўлмаган Сирдарё вилоятида кузатилган бўлиб, маҳкама қонуни бўйича барча кенг кўламли ёзишмалар вилоят бошқармаси томонидан бажарилган. Бу вилоят бошқармасида иш

⁴⁴ Государственные учреждения России в XVIII веке (Законодательные материалы). Справочное пособие. – М.: Московский государственный историко-архивный институт, 1960. – С. 18.

⁴⁵ ЎзР МДА, И-1Фонд, 12-рўйхат, 923-йиғма жилд, 11-варақ.

⁴⁶ Шу манба, 25-варақнинг орқаси.

⁴⁷ Шу манба, 29-варақнинг орқаси.

⁴⁸ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 12-рўйхат, 1674-йиғма жилд, 1-а варақ.

юритиш меъёрий даражада олиб борилмаган, деган хулосага келишимизга сабаб бўлди, чунки кўп ишлар улар билан қатъий шуғулланадиган киши бўлмаганлиги боис ойлари давомида кўрилмасдан қолиб кетган⁴⁹.

Маҳкама сенатор Пален тафтишидан кейин ҳам бўлимларда иш юритиш бўйича ҳужжатларни текширишни давом эттирган. Хусусан, 1-бўлим бўйича қоғозлар кириш журналидаги белгиларга мувофиқ хронологик тартибда тегишли ишга тикиб қўйилган. 2-столдаги ёрдам тўғрисидаги ишларда эса ҳар бир илтимоснома бўйича ёзишмалар ёрдам сўраб ёзилган илтимосномадан кейин қайд қилинган. Ўтган йиллар учун тугалланмаган ишлар бўлимлар бўйича 1913 йилги ишлар рўйхатига ўтказилган.

2-бўлим бўйича ҳам ҳужжатлар хронологик тартибда тегишли ишга тикиб қўйилган, келиб тушганлари кириш белгисига мувофиқ стол журналида қайд қилинган. Мазкур бўлимда ҳам ўтган давр учун тугалланмаган ишлар бўлимлар бўйича 1913 йилги ишлар рўйхатига ўтказилган.

3-бўлим бўйича ҳужжатлар ишга хронологик тартибда тикилган, ишга маърузаларнинг ҳомаки варианты ҳам аралаштириб юборилган⁵⁰. Аммо ижро этилмаган кўплаб ишлар қолиб кетган, ўтган давр учун тугалланмаган ишлар бўлимлар бўйича 1913 йилги ишлар рўйхатига ўтказилмаган. Ишлар пала-партиш олиб борилган, комиссия аъзоларининг имзолари ҳам ноаниқ бўлган.

Кўрсатилган тафтишлар билан бир қаторда, Т.С. Кобеко (1893), Н.И. Корольков (1896), К.А. Нестеровский (1902-1903), П.А. Харитонов (1911) ва А.Н. Куропаткинлар (1916) томонидан текширувлар ҳам бўлиб ўтган. Уларнинг барчасида «Россия империясини яхлит ва бўлинмас ҳолда сақлаш, шунингдек, чекка жойларда сепаратизмга йўқ қўймаслик»⁵¹ мақсади борлиги сезилиб туради.

Шундай қилиб, маъмурий органларни тафтиш Россия қонунчилиги билан қонунлаштирилган эди. Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ҳужжатлари билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келишга имкон беради:

– қонун чиқариш актида кўрсатилишича, сенаторлик тафтиши бевосита Сенат томонидан ҳар икки йилда ўтказилади, деб белгиланган. Аммо, Туркистонда бундай тафтиш сенаторлар Гирс ва Пален томонидан 1883 ҳамда 1912-1913 йилларда ўтказилган;

– сенаторлик тафтиши маҳкаманинг иш юритиш фаолиятида қўпол хатоларни аниқлаган, бу маҳкама ўзига хос бўлмаган ижрочилик вазифасини бажарган эди;

– генерал-губернаторлик маҳкамаси бошқарувчилари вилоят ҳарбий губернаторларига нисбатан юқори мавқега эга бўлган;

⁴⁹ ЎЗР МДА, И-1 Фонд, 12-рўйхат, 1674-йиғма жилд, 66-варақ.

⁵⁰ ЎЗР МДА, И-1 Фонд, 12-рўйхат, 1296-йиғма жилд, 9-варақ.

⁵¹ Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: «Академия», 2002. – Б. 116.

– тафтишлар маҳкаманинг барча соҳаси бўйича иш юритишда жиддий хатоларни аниқлаган, аммо тартиб-қондани бузувчи шахслар аксарият ҳолатларда қонуний жазога тортилмаган.

Диссертациянинг «**Маҳкама иш юритиш ҳужжатлари хизматчилар таркиби ва мансаблари ҳақида**» деб номланган тўртинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда Туркистонда маҳкама фаолияти асосини ташкил этган қонуний ҳужжатлар билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Шунингдек, ушбу бобда империядаги мавжуд қоидалар асосида фаолият кўрсатиш учун ҳукукий ҳужжатлар тайёрлашнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари тавсифланган.

Қонуний-ҳукукий норматив манбаларни тадқиқ қилишда ишлаб чиқариш фаолияти доирасининг муайян чегараларини аниқлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Император фармони асосида ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги Еттисув ва Сирдарё вилоятларидан иборат бўлган ва унга алоқадор бўлган ўлкани бошқариш билан боғлиқ масалалар «Еттисув ва Сирдарё вилоятлари бошқармалари тўғрисидаги низом лойиҳаси»да акс этган. Мазкур ҳужжатда Туркистон ўлкасини бошқаришга алоқадор барча масалалар белгилаб берилган ва у «Фуқаролик хизмати бўйича уставлар тўплами»га асосан тузилган⁵². Шунинг учун ҳужжатда Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг маҳкамасида ўлкада хизмат қилишни аниқлаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилган. «Ҳукумат томонидан белгиланган хизмат тўғрисида устав» деб номланган биринчи китоб бу ҳақда батафсил маълумот беради. Хусусан, «Фуқаролик хизматига қабул қилиш ва лавозимларга тайинлаш тўғрисида»ги биринчи бўлимда қуйидагилар асосий талаб сифатида кўрсатилади: 1) шахснинг аҳволи ёки унинг келиб чиқиши; 2) ёши; 3) билими. Шунингдек, бу бўлимда фуқаролик хизматига кириш ҳуқуқига эга бўлган кишилар рўйхати келтирилган. Келиб чиқишига кўра дворянлик насл-насабига эга бўлиш ва шахсан дворяннинг ўғли бўлиш гражданлик мансабларининг асосий талаби ҳисобланган.

Гимназия ва университетни тугатганлар берилган аттестатларига мувофиқ хизматга қабул қилинган. Шунингдек, аттестати бўлмаганлар лекин фуқаролик хизматига кириш истагида бўлганлар эса ўзларининг келиб чиқиш ҳуқуқига кўра ҳамда тўғри ёзиш, ўқишдан, грамматика ва арифметика асослари каби фанлардан синовдан ўтиш орқали ишга қабул қилинган. Бу синовлар улар рўйхатга олинган жойда ўтказилар эди⁵³.

Империядаги бошқа ҳудудлардаги муассасаларга жойлашиши лозим бўлган шахслар губерния бошлиғидан уларнинг хизматга жойлашишига

⁵² Свод уставов о службе гражданской. Книга первая. Устав о службе по определению от правительства / Составители Скоров А. и Полянский А. – М.: Изд-е Моск-го юридического книжного магазина А.Ф.Скорова, 1895.

⁵³ Свод уставов о службе гражданской. Книга первая ... 6-бет.

тўсқинлик йўқлиги тўғрисида олинган гувоҳномани тақдим қилиши керак бўлган⁵⁴.

Амалдорлар хизмат мавқеини ошириб бориш орқали дворянлик унвонини ҳам олганлар ва шу сабабли фуқаролик хизматида мансабнинг аҳамияти кучайиб борган. Мансабларга белгиланган хизмат муддатини ўташ билан эришилган ва шундан сўнг навбатдаги мансабга ўтиш қонуний ҳисобланган.

Мансабга тайинлашда бош талаблардан бири амалдорларнинг махсус таълим тайёргарлиги ҳисобланган. Шу сабабли, Туркистон ўлкаси шароитида таълим бошқармалари билим юртларига катта ваколатлар берилар эди.

К.Пален амалдорлар тайёрлаш тўғрисида маълумот берар экан: «Амалдорларни тайёрлаш 1906 йил 5 октябрдаги қонунга мувофиқ олиб борилган. Маҳкама хизматчилари маълумотига кўра икки турга бўлинган. Биринчисига ўрта ўқув муассасаси курсини тугатганлар мансуб бўлса, иккинчисига фақат амалдор тайёрлаш талабларига жавоб берадиган шахслар кирган. Биринчи гуруҳдагиларни мансабга тайинлаш учун бир йиллик, иккинчи гуруҳдагиларга икки йиллик муддат белгиланган», – деб қайд этган⁵⁵.

Маҳкама ҳужжатлари манба сифатида генерал-губернаторлик маҳкамасининг кўплаб амалдорлари Туркистонда хизмат қилиш орқали юқори мансабларга кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Туркистонда маҳкама хизматчилари маош ва озиқ-овқат таъминотини олганлар.

Фундаментал қонун чиқариш акти ҳақида уставлар тўпламидаги «Фуқаролик хизматида таъминот олиш ҳуқуқи тўғрисида»ги қисмга мувофиқ маҳкама амалдорлари таъминоти масаласи бўйича қуйидагилар белгиланган: 1) маош; 2) озиқ-овқат; 3) уй-жой ижара пули ёки уйнинг ўзи. Генерал-губернаторлик маҳкамаси 1870 йил 27 январда «Генерал-губернаторлик маҳкамаси мавжуд таркибини ислоҳ қилиш тўғрисида» маъруза тайёрлайди ва унда шахсий таркиб таъминоти бўйича қуйидаги мисолларни келтиради: 1) маҳкама мудир: 1 нафар – 5000 сўм; 2) иш юритувчилар: 3 нафар – ҳар бирига 2000 сўмдан; 3) иш юритувчи ёрдамчилари: 3 нафар – ҳар бирига 1200 сўмдан; 4) бухгалтер: 1 нафар – 2000 сўм; 5) бухгалтер ёрдамчиси: 1 нафар – 1200 сўм; 6) таржимон: 2 нафар – 1100 сўм. Жами: 20000 сўм.⁵⁶

Хуллас, манба ва далиллар шуни тасдиқлайдики, генерал-губернаторлик маҳкамаси қатъий белгиланган қоидалар асосида фаолият кўрсатган. Маҳкама хизмати тегишли тартибда белгиланган ва мансаб даражасига мувофиқ, маҳкаманинг барча амалдорлари моддий ва молиявий таъминланган.

⁵⁴ Свод законов. Т. II. ... 283-бет.

⁵⁵ Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленом. Книга 1. Краевое Управление. Глава VI. Канцелярия генерал-губернатора. – СПб. Сенатская типография, 1910. – С.156.

⁵⁶ ЎзР МДА, И-1 Фонд, 20-рўйхат, 2283-йиғма жилд, 1-варак.

Таҳлил қилинган маҳкама ҳужжатлари иш юритиш тузилиши ва шакли, кадрлар таркибини тўлдириш ишларининг узлуксиз давом этганлиги, шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси мудирлари таржимаи ҳолидаги баъзи маълумотларни аниқлашга имкон берди.

ХУЛОСА

Диссертацияда олиб борилган тарихий-манбашунослик таҳлили асосида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш тизими тадқиқ қилинди ва қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларининг манбашунослик таҳлили шуни кўрсатдики, у мустамлака даври тарихини тадқиқ этувчилар учун нафақат Туркистондаги рус амалдорларининг кадрлар таркиби ва фаолиятини ёритувчи маълумотларни, шунингдек, минтақа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг турли томонларини очиқ берадиган муҳим тарихий ҳужжатларни ҳам ўзида жамлаган. Айни пайтда ҳозирга қадар тадқиқотчилар назаридан четда қолган ЎзР МДА И-1 фонди материалларининг ахборот потенциалига янгича ёндашиш имконини ҳам беради. Олиб борилган тадқиқотлар маҳкама ҳужжатларининг Туркистон генерал-губернаторлиги тарихи бўйича муҳим ва нодир манба эканини кўрсатди.

2. Диссертация доирасида ўтказилган таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, маҳкама материаллари умумийлик ва хусусийликнинг диалектик бирлигини ўзида ифода этадиган кенг ҳажмдаги ҳужжатлардан иборат бўлган тарихий манбадир. Бу ерда ҳар бир ҳужжат алоҳида воқеа-ҳодиса, бирор шахс ва маълум бир тарихий жараёнга алоқадор бўлиб, улар яхлит ҳолда Туркистоннинг мустамлака даври тарихини акс эттиради.

3. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасидаги ҳар бир ҳужжат икки томонлама маълумот беради: биринчидан, ҳужжатни шакллантирган субъектни идрок этиш воситасида объект ифодаланса, иккинчидан, субъектнинг объектив воқеликни қандай қабул қилиши акс этади. Демак, мазкур ҳужжатлар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тўғрисида билвосита маълумот берса, бевосита эса ушбу воқеа-ҳодисаларни юзага келтирган омиллар юзасидан хабар беради.

4. Маҳкамадаги иш юритишга оид ҳужжатлар устида ишлаш жараёнида ўша давр ижтимоий-сиёсий лексикасини акс эттирувчи ҳужжатларни баён қилишнинг канцеляр тили эътиборга олинди.

5. Методология масалаларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун Россия империясининг Туркистонда жорий этилган қуйидаги қонун-ҳужжатлари – Қонунлар тўплами, Уставлар тўплами, Туркистон ўлкасини бошқаришга оид Низомлар синчиклаб ўрганилди.

6. Диссертацияда маҳкама тузилмаларининг ички иш тартибини яхши очиқ берадиган буйруқлар тўпламига алоҳида манба сифатида диққат қаратилди ва бу катта аҳамият касб этди.

7. Фармойиш ва циркулярлар, шунингдек, империянинг юқори инстанциялари томонидан генерал-губернаторликка юборилган буйруқлар ҳам манбаларнинг алоҳида яна бир турини ташкил этади. Айнан маҳкама ходимларининг ўзлари ушбу ҳужжатларнинг катта қисмини тузишда иштирок этганлиги мазкур манбаларнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шунингдек, бошқарма бўйича тузилган ва маҳкама фаолияти соҳалари бўйича кенг ҳажмдаги маълумотларни берувчи маърузалар ҳамда маъруза кўринишдаги ҳужжатлар ҳам алоҳида бир гуруҳ сифатида баҳоланди.

8. Генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолиятини тўлиқ ёритиш мақсадида ундаги амалдорлар шахсий таркиби ва хизмат қайди ҳужжатлари таҳлил қилинди.

9. Туркистон ўлкасини тафтиш қилишга оид материаллар ҳам эътиборга молик ҳужжатлар ҳисобланади ва улар генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолияти орқали ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг алоҳида жиҳатларини очиқ берадиган қимматли маълумотларни беради.

10. Маҳкама ҳужжатларини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш уларнинг тарихий контент-таҳлилининг ўтказиш заруратини келтириб чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви И-1 фонди (Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси) рўйхатидаги ҳужжатларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида манбашуносликда илк бор контент-таҳлил ўтказилди. Хронологик изчилликдаги контент таҳлил натижалари асосида маҳкама ҳужжатларнинг сони аниқланди. Рўйхатга кўра 44215 номдаги девонхона ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим эди, ҳақиқатда эса 38391 та ҳужжат мавжудлиги маълум бўлди, яъни бевосита генерал-губернаторлик девонхонасига тегишли 35 та рўйхатдаги 6577 та ҳужжат йўқлиги аниқланди.

11. Контент таҳлилнинг кейинги босқичида маҳкама ҳужжатларини «муҳим», «керакли» ва «ёрдамчи аҳамиятга эга» тамойили асосида гуруҳланди. Бундан ташқари, генерал-губернаторлик девонхонаси тарихини очиқ берувчи ҳужжатлар алоҳида танлаб олинди. Контент сифатида фойдаланиш доирасида уездлар маҳкамалари материаллари ҳамда вилоятлар маҳкамалари маълумотлари сараланди. Бироқ, айнан Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатлари контент учун асос бўлди.

12. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўлка ижро-бошқарув органи сифатида Россия империясининг қонунларига бўйсунган. Асосий ёзма манбалар сифатида 1867 йилдаги Низом ва 1886 йилдаги Лойиҳа ва Низом шаклини кўрсатиш мумкин. 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низом лойиҳасига доир материаллар асосий манба сифатида жалб қилинди. Уларда маҳкама фаолиятининг асосий жиҳатлари сифатида маҳкаманинг ва унинг бошқарувчисининг асосий фаолият соҳалари белгилаб берилган. Маҳкама фаолиятининг аниқ белгилаб берилишига (регламентациясига) доир бошқа манбалар диссертант томонидан аниқланмаганлиги сабабли айнан мана шу Низом лойиҳаси муаммони ёритиш жараёнида асос сифатида олинди.

13. Генерал-губернаторлик маҳкамаси материаллари ичида Туркистон ўлкасидаги маҳкама хизмати ҳолатига аниқлик киритиши мумкин бўлган кўп сонли ҳужжатлар мавжуд. Ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдики, Туркистонда маҳкама мансабларига, империянинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, фақат дворянлар тайинланган.

14. Генерал-губернаторлик маҳкамаси фаолиятида хизматчиларининг мансаб бўйича кўтарилиб боришини таъминлаб бориш муҳим тартиблардан ҳисобланган. Бунда ҳам маҳкама қонун асосида белгиланган регламентга амал қилган: маҳкаманинг ҳар бир хизматчиси мансаблар бўйича кўтарилиш имкониятига эга бўлган ва уларнинг муайян амал ҳамда мансабларда фаолият кўрсатиш муддатлари аниқ ёзиб қўйилган.

15. Қабул қилинган шартга кўра, Туркистонда маҳкама хизматчилари мукофот ва озиқ-овқат пули кўринишида иш ҳақи олганлар. Маошларнинг миқдори «Фуқаролик хизмати уставлари тўплами»га кўра белгиланган ҳамда улар мансаб ва амалига кўра бир-биридан фарқ қилган.

16. Ички иш юритиш ҳужжатлари маълумотлари асосида генерал-губернаторлик маҳкамаси бўлинмаларининг фаолияти шакллари ва тузилмаси аниқланди. Маҳкама фаолиятининг дастлабки босқичларида бошқармадаги мансабларни тақсимлаш бўйича махсус маълумотномалар тузилган. Маҳкама бўлинмалардан ташкил топган (бошида уларнинг сони тўртта бўлган бўлса, тўртинчи бўлинма алоҳида суд бошқармасига айлантирилганидан сўнг улар учта қолган). Бўлинма бўлимлардан (стол) иборат бўлган ва уларнинг сони бажарилган ишнинг ҳажмига боғлиқ бўлган. Энг кўп бўлим учинчи бўлинмада бўлган ва у ерда бўлимлар сони 5 тани ташкил этган. Ҳар бир бўлим ўз бўлим бошлиғи ва бўлинма раҳбари билан биргаликда иш юритувчи деб номланиб, иш юритишни ташкил этишнинг ташаббускори ҳисобланган генерал-губернатор буйруқлари асосида ишлайдиган маҳкама номидан керакли ҳужжатларни тайёрлаганлар.

17. Туркистон генерал-губернаторлик маҳкамаси манбаларида кўрсатилишича, Туркистон генерал-губернаторларига анча яқин бўлган маҳкама бошқарувчилари кадрларнинг анча муқим гуруҳи бўлган. Маҳкама бошлиқларнинг айримлари бир неча генерал-губернаторларга хизмат қилган. Масалан, 1911-1918 йилларда маҳкама бошқарувчиси сифатида ишлаган Н.В. Ефремов 2 нафар генерал-губернаторга ва 3 нафар Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинча бажарувчига хизмат қилган.

18. Тадқиқотда маҳкама фаолиятига оид билимларни чуқурлаштириш мақсадида манба сифатида бошқарма бўйича буйруқлардан фойдаланилди ва улардаги маълумотлар таҳлил қилинди. Асосий материаллар сифатида 1898 йилги буйруқлардан бошланувчи 35-рўйхат йиғмажилдларидан фойдаланилди. Бундан аввалги даврга тегишли буйруқлар бошқа рўйхатлар йиғмажилдларига тарқатиб юборилганлиги сабабли бу ерда мавжуд эмас. Мавжуд материаллар маҳкама ишининг ички тартиб қоидалари тўғрисида маълумот бера олади.

19. Туркистон ўлкаси архив ва тафтиш материаллари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик аниқланди. Хусусан, тафтиш материалларида иш юритиш бўйича тугатилган ҳужжатларнинг ўз вақтида маҳкама архивига топширилмаганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Шу билан бирга, материаллар мустақил манба гуруҳи сифатида маҳкама фаолиятида нуқсон ва камчиликлар бўлганлигини кўрсатади.

20. Генерал-губернаторлик маҳкамаси материалларига манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашув Туркистонда Россияси империяси томонидан олиб борилган мустамлака сиёсатининг барча характерли хусусиятларини очиқ беради, ўлка халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг энг муҳим масалаларини ёритишда ёрдамчи материал вазифасини ўтайди, минтақада мустамлака ҳокимиятининг кучайиб бориш жараёни ҳамда мустамлака тузумга қарши кўп сонли халқ чиқишлари ва кўзғолонларини акс эттиради, маҳаллий аҳолида империя маъмурияти вакилларига нисбатан нафрат асосларининг пайдо бўлишини кузатиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 06.01.2018.Tar.56.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭРГАШЕВ БАХТИЯР ЭРГАШЕВИЧ

**ДЕЛОПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАНЦЕЛЯРИИ
ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА
(историко-источниковедческий анализ)**

**07.00.08. – Историография, источниковедение и методы
исторического исследования**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.DSc/Tar57.

Диссертация выполнена при Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix/nuu/uz.>) и на веб-странице Информационно-образовательного портала «ZIYONET» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Махкамова Надира Рахмановна
доктор исторических наук

Официальные оппоненты:

Юсупова Дилором Юнусовна
доктор исторических наук, академик

Гулямов Хондамирмирзо Гулямович
доктор исторических наук, профессор

Шадманова Санобар Базарбаевна
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc 06.01.2018.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060, г. Ташкент, улица Шахрисабзкая, 5. Институт истории АН Республики Узбекистан. 2-этаж. Зал заседаний. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91. e-mail: info@uzhistory.uz. Институт истории АН Республики Узбекистан).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.

(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2018 г.)

А.С. Сагдуллаев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней д.и.н., профессор, академик АН Республики Узбекистан.

М.Х. Пайзиева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.и.н.

С.С. Агзамходжаев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ аннотация диссертации доктора наук (DSc)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всемирная история государственности характеризуется воплощением в себе событий прошлого, социально-политическим прогрессом общества, выхода проблем исторического наследия за рамки одного государства на мировой уровень. Историческая правда, формирующаяся с древних времен на всех этапах развития общества, выступает в качестве критерия объективности. В результате повышения уровня самосознания народов оживились исторические дебаты о том, какое место занимает государство в независимом развитии. На фоне конкуренции, возникшей в политической, правовой, идеологической сферах в начале XXI века, заметно возросла потребность в защите исторического наследия человечества в научных исследованиях по историографии и источниковедению.

Изучение письменных источников в процессе исследования истории государств, оставивших свой заметный след в развитии мировой цивилизации, формулировка научно обоснованных выводов, является важной задачей, стоящей перед историографами-источниковедами. Во многих государствах мира ведущими учеными мировая история изучается на основе рукописных источников. Очевиден тот факт, что объективная оценка далёкой и близкой истории, прежде всего, связана с правильной трактовкой исторических источников, а освещение исторических событий, основываясь на письменных источниках, является практическим аспектом исторической науки.

Начиная с первых лет после достижения независимости, стало уделяться серьезное внимание глубокому изучению далекой и близкой истории, проблеме создания новой истории Узбекистана на основе изучения достоверных источников. В результате историческим фактам, искаженным в период господства советской идеологии, дана объективная оценка. В частности, в рамках программы стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, перед исследователями ставится задача изучения истории деятельности органов административного управления Туркестанского генерал-губернаторства во второй половине XIX - начале XX вв. с позиции источниковедения.¹ Необходимость научного анализа избранной темы определяется задачей по «...созданию необходимых условий местным и зарубежным исследователям для работы с историческими источниками, всестороннему углубленному изучению образцов нашего историко-культурного наследия, воспитания молодого поколения в духе уважения к великому духовному наследию нашего народа, любви и преданности к нашей родине»².

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Официальное издание Министерство Юстиции Республики Узбекистан. Ташкент. Адолат.2017.-63

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 г. № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, использования и пропаганды древних письменных источников». Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. 29 мая. – №21. – С. 389.

Настоящее научное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года; Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №315 «О совершенствовании деятельности Института истории Академии наук Республики Узбекистан» от 27 июля 1998 года; Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №304 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы послевузовского образования» от 22 мая 2017 года и ряда других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с основными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики»³.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Изучение социально-политической, экономической и культурной истории Туркестана концентрируется в ведущих научных центрах и профильных высших учебных заведениях мира. Среди них можно выделить: Институт этнологии и антропологии, Центр изучения истории Центральной Азии Московского государственного университета (Россия), Association for Asian Studies Harvard Forum for Central Asian Studies (США), Association de Recherche et d'Information sur l'Asie Centrale, European Science Foundation Asia Committee (Франция), Royal Asiatic Society (Великобритания), Centre for Modern Oriental Studies (Германия), Национальный университет Узбекистана и Институт истории АН Республики Узбекистан.

В результате источниковедческих исследований, проведенных по истории делопроизводства канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства, были получены следующие научные результаты. В частности на основе уникальных письменных источников по истории административного управления в Туркестане во второй половине XIX – начале XX века, изученных в Harvard Forum for Central Asian Studies USA (США), проанализировано изучение источниковедческого аспекта делопроизводства государственных и ведомственных архивов, охарактеризовано своеобразие внешних и внутренних свойств малоизученных сторон делопроизводственных документов канцелярии (Faculty of History of Harvard College) (США), научно обоснован уровень делопроизводственных документов канцелярии Туркестанского генерал-

³ См: www.uzscience.uz.

⁴ <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>; <http://www.indiana.edu/>; <https://www.gwu.edu/>; <https://www.soas.ac.uk/>; <http://www.cambridge-centraltasia.org/>; <http://www.oeaw.ac.at/iran/>; <http://www.igh.ru/>; <http://uzhistory.uz/>; <https://www.apps.carleton.edu/>; <https://www.archivistes.org/>.

губернаторства, (Centre for Russia and Eurasian at Harvard University) (США). На основе изучения документов делопроизводства канцелярии, Association de Regearched et a Information gir I Asie Centrale ARIAC (Франция), Centre for Modern Oriental studies (Германия), Центром Центральноазиатских исследований при Московском государственном университете (ИААС) (Россия), Российским государственным гуманитарным университетом, Институтом истории АН РУз, Национальным университетом Узбекистана разработаны и обоснованы теоретические рекомендации по совершенствованию и модернизации источниковедения истории Туркестана.

Современные зарубежные историко-источниковедческие исследования в целях разработки проблем освещения колониального прошлого подразумевают: изучение негативных последствий внедрения принципов государственного управления, влияющих на социальный облик коренного населения, взаимоотношений законов и процессов делопроизводства, критической оценки письменных архивных материалов. Отражение трансформационных процессов и их интерпретация помогут справедливой оценке историко-культурных критериев при философском осмыслении процессов общественного развития.

Степень изученности проблемы. В историографии проблемы делопроизводственной деятельности канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства, исходя из концептуально-методологических, проблемно-хронологических принципов, можно выделить четыре группы: I – литература колониального периода; II – исследования советского периода; III – труды авторов периода независимости; IV – работы зарубежных исследователей.

В литературе колониального периода деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства освещалась опосредованно с правовой точки зрения⁵. Во всех публикуемых трудах этого периода практически не содержатся сведения о деятельности канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства, однако, в результате привлечения богатейших исторических источников и материалов всесторонне раскрывается политика генерал-губернаторов. К примеру, в работе А.И. Добросмыслова нашла свое отражение деятельность канцелярии генерал-губернаторства и её чиновников.⁶

В советской литературе по проблеме деятельности колониальных административных государственных учреждений было издано огромное количество трудов. Начиная с 20-х гг. XX в., в частности в трудах П.Г. Галузо⁷, З.Д.Кастельской⁸ на основе материалов канцелярии генерал-

⁵ Евреинов В.А. Гражданское чиновничество в России. – СПб., 1887; Градовский А.Д. Начала русского государственного права. – СПб., 1890; Коркунов Н.М. Русское государственное право. – СПб., 1893; Его же. Коркунов Н.М. Общее учение о государстве и учение об управлении. – Киев, 1909; Ивановский В.В. Русское государственное право. – Казань, 1908; Шаланд русское государственное право. – Юрьев, 1908.

⁶ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Т.: Электро-печатная А.О. Порцева, 1912. – 482 с.

⁷ Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии (Исторический очерк). – Т. Изд-во Сред. Аз. ком. ун-та, 1926. – 90 с.; Его же. Туркестан – колония. (Очерк истории Туркестана от завоевания до

губернаторства впервые освещаются многие аспекты колониальной политики империи в Туркестане⁹.

В годы независимости узбекистанскими учеными проводился целый ряд исследований по истории Туркестана второй половины XIX - начала XX вв.¹⁰ Среди них работы Н.А.Абдурахимовой, Ф.Р.Эргашева, Г.К.Рустамовой, освещающие историю колониально-административного устройства Туркестана.¹¹

Анализ публикаций, посвященных делопроизводственной деятельности канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства показал, что она не была объектом специального изучения в источниковедческом плане.

Ученые-источниковеды Узбекистана имеют солидный исследовательский опыт в вопросе изучения материалов разных эпох по истории Средней Азии¹². Среди известных ученых-источниковедов можно отметить Б.В. Лунина¹³, Б.А. Ахмедова¹⁴, М.М. Исхакова¹⁵ и мн. др. Ими были изучены письменные источники по истории древних времен и

революции). – М.: Ком. ун-т трудящихся Востока, 1929. – 164 с.; Его же: Восстание 16 года. – М.; Т.: Изд-во «Соцэкгиз», 1932; Его же. Туркестан – колония. – Т.: Узгосиздат, 1935.

⁸ Костельская З.Д. Восстание 16 года в Узбекистане. – Т.: УзГиз, 1937.

⁹ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. (Исследования и описание документов с историческим введением). – Л., 1940.

¹⁰ Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигида карши кураш: (XVIII-XX аср бошлари)/Жамоатчи мухаррир: М.Саъдий. – Т.: Шарк, 1998. – 408 бетлар; Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане)/Отв.ред. Ахмедов Б., Ибрагимов Н. – Т.: Фан, 1995. – 218 с.; Исхаков Ф.Б. Прошлое глазами историка: научно-популярный очерк. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 175 с.; Его же. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 – 1917). – Т.: Фан, 1997. – 203 с.; Голендер Б.А. Окно в прошлое. Туркестан на старинных почтовых открытках (1898 – 1917)/Культура Средней Азии в документах и материалах. Борис Александрович Голендер/Отв. ред. Ртвеладзе Э.В. – Т., 2002. – 248 с.; Мусаев Н.У. Появление капиталистических производственных отношений в Туркестане (конец XIX – нач.XXв.) (на узб. яз.). – Т., 1995; Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости/Абдуллаев Р.М., Агзамходжаев С.С., Алимов И.А. и др. – Т.: Шарк, 2000. – 672 с.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликлари талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоклари (1865 – 1990 йиллар)/Лойиха рахбари ва масъул мухаррир: Алимова Д.А. – Т.: Шарк, 2000. – 432 бетлар; Зиёева Дано. Туркистон миллий озодлик харакати: Мустабид тузумга карши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги/Алимова Д. тахрири остида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.–176 бетлар.

